



Халифа ал-Маъмун даврида Багдод ва Дамашкда фаолият кўрсатган йирик астроном ва математиклардан бири — ал-Аббос ибн Саъид ал-Жавхарий аслида Фороб шаҳри (ҳозирда Гавхартепа)да дунёга келган. Унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар сақланмаган. Ал-Жавхарийнинг 830- йиллар атрофида Маъмун академиясидаги астрономик кузатишларда иштирок этганлиги инобатга олиниб, уни IX асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган деган ҳулосага келинган.

Ўрта аср Шарқ халқлари фани ва маданияти тарихига оид илк библиографик асар — «Китаб ал-Фихрист»нинг муаллифи Ибн ан-Надим юнон олими Евклиднинг «Негизлар» («ал-Усул») номли китоби ҳақида гапирар экан, унга ёзилган шарҳлардан бирини ал - Жавхарий битган, деб маълумот беради.

Ал-Жавхарийнинг фаолияти ҳақидаги асосий маълумотлар Ибн ал-Кифтийнинг машҳур «Олимларни ҳакимлар ҳақидаги маълумотлар билан таништириш» («Ихбар ал-улама би ахбар ал-ҳукама») китобида сақланиб қолган. Унда шундай дейилади: «Ал-Аббос ибн Саъид ал-Жавхарий мунажжим бўлиб, у астрономия ва астрономик ҳисобларда моҳир мутахассис ҳисобланган. (Шу билан бирга) у астрономик жихозлардан фойдаланишда ҳам ноёб истеъдод соҳибидир: У халифа ал-Маъмунга ҳамроҳ бўлган ва ал-Маъмун уни Богдодда аш-Шамосия минтақасидаги тажриба ишларига масъул олимлар билан астрономик кузатишларни олиб боришга ундади. Ал-Жавхарий баъзи сайёралар, қуёш ва Ойнинг ўрнини аниқлаган. Натижада ушбу соҳа ахллари ора-ида машҳур бўлган ўз зижини ярата олди. Унинг ўзи ва ҳамкасблари — Санад ибн Али, Холид ибн Абд ал-Малик ал-Марваррудий, Яҳё ибн Абу Мансурлар мусулмон дунёсида биринчи бўлиб астрономик кузатиш ва тажрибалар олиб борган шахслардан бўлган. Ал-Жавхарий қуйидаги асарларнинг муаллифидир: «Зиж китоби», «Евклид китобига шарҳ» («Китаб тафсир китаб Уклидис»), «Евклиднинг «Негизлар» асарининг биринчи китобига у (ал-Жавхарий) қўшган шакллар» («Китоб ал-ашкал аллати задаха фи-л-макала ал-увла мин Уклидис»)). Ибн ал-Надим ва Ибн ал-кифтийларнинг ал-Жавхарий ҳақидаги юқоридаги маълумотларини XVII аср турк библиографи Хожи Халифа асосан ўзгаришсиз қайтаради.

Ал-Жавхарий ўз давридаги бошқа етук астрономлар билан ҳамкор-ликда халифа ал-Маъмуннинг топширигига биноан режалацгхшлган

«ал-Маъмуннинг текширилган зижини»ни ёзишда фаол иштирок этган. У Багдоддан

ташқари, Дамашк шаҳридаги астрономик кузатишларда катнашиб, астрономиядан ташқари математикада ҳам катта натижаларга эришди. Унинг Евклиднинг «Негизлар» китобига ёзган шарҳи ва бу асарнинг биринчи китобига қўшган шакллари, параллел чизиклар ҳақидаги гоёлари олимни геометрия соҳасида ҳам чуқур билимлар соҳиби бўлганидан далолат беради. Бундан ташқари, ал-Жавҳарий «Негизлар» китобини ислоҳ қилиш» («Ислах ли китаб ал-Усул») асарининг ҳам муаллифидир. Мазкур асар бизгача етиб келмаган бўлса-да, унинг мазмуни ҳақидаги тўлиқ маълумотлар XIII асрда яшаган кому-сий олим Насириддин Тусийнинг «Параллел чизиклар ҳақидаги шубҳаларни даволаш» («ар-Рисола аш-шафиййа ан шакк фи-л-хутут ал-мутавазиййа») рисоласида баён этилади. Ал-Жавҳарий ўзининг бу китобида Евклиднинг «Негизлар» асаридаги V постулатни исботлашга ҳаракат қилади. Маълумки, «Негизлар» асарининг бу қисмида параллел чизиклар ҳақида мулоҳазалар юритилади. Бу мавзу устида бош қотирган ал-Жавҳарий бурчак ичида жойлашган ҳар қандай нуктадан бурчакнинг икки тарафини бирлаштирувчи чизик чизиш мумкин, деган ҳулосага келади. Муаллиф қўллаган параллел чизиклар назарияси шуниси билан аҳамиятлики, ундан 1800 йили франциялик геометрияшунос олим А. М, Лежандр V постулатни исботлашда фойдаланган. Ал- Жавҳарийнинг юқорида санаб ўтилган асарларидан ташқари яна икки асар ёзганлигидан далолат берувчи қўлёзмалар сақланган. Улардан биринчиси, «Евклиднинг «Негизлар» асарининг бешинчи китобига қўшимчалар» («Зийадат фи-л-мақала ал-хамиса мин китаб Уклидис») номи билан аталиб, у ҳозирда Америка, Туркия, Эрон, Тунис ва Шиндистон кутубхоналарида мавжуд. Иккинчи, «қуёшнинг ер марказидан узоклигини аниқлаш» («Рисола фи маърифат буъд аш-шамс ан-марказ ал-ард») рисоласи ягона нусхада Байрутда сақланмоқда.

Б. Абдухалимов